



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI BOShQARUVINING QARORI

Микромолия ташкилоти ва ломбард фаолияти соҳасидаги рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги ва “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Микромолия ташкилоти ва ломбард фаолияти соҳасидаги рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.
3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

Тошкент ш..
2022 йил 30 декабрь,
5248/сон



Nurmuratov M. B.

Келишилди:

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Раиси

Тошкент ш..
2022 йил 29 декабрь



Vahabov D. A.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг
2022 йил 30 декабрдаги
30/26 - сон қарорига
ИЛОВА

Микромолия ташкилоти ва ломбард фаолияти соҳасидаги рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом микромолия ташкилоти ва ломбард фаолияти соҳасидаги рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларидан ўтиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

бенефициар мулкдор – юридик шахсга бевосита ёки билвосита эгалик қилувчи ёки уни назорат қилувчи жисмоний шахс;

билвосита эгалик қилиш – юридик шахснинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушга ўзи назорат қиладиган бошқа шахс орқали эгалик қилиш;

ломбард – шахсий истеъмолга мўлжалланган кўчар мол-мулкнинг (ашёнинг) закат тарзидаги гарови асосида жисмоний шахсларга қисқа муддатли микроқарзлар беришга доир фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс;

микромолия ташкилоти – микромолиялаштириш фаолиятини амалга оширувчи, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ бошқа хизматларни кўрсатувчи юридик шахс;

электрон платформа – микромолия ташкилоти ва ломбард фаолияти соҳасидаги рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш тўғрисидаги аризалар ҳамда фаолиятни (ҳаракатни) бошлаганлик ва тугатганлик тўғрисидаги хабарномаларни қабул қилиш учун мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг (бундан буён матнда Марказий банк деб юритилади) махсус электрон тизими.

2. Микромолия ташкилоти ва ломбард фаолияти соҳасидаги рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларидан ўтиш тўғрисидаги ариза ва хабарномалар (бундан буён матнда аризалар ва хабарномалар деб юритилади) тақдим этувчи ёки хабардор қилувчи шахснинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

3. Тақдим этилган аризаларни кўриб чиққанлик ҳамда хабарномаларни юборганлик учун йиғим ундирилмайди.

4. Марказий банк қуйидаги ҳужжатлар ва маълумотларни масъул давлат органлари ва ташкилотларидан, шу жумладан “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали мустақил равишда олади:

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати (паспорт ёки идентификация ID-карта) маълумотлари, фотосурати ва манзил-маълумот ахбороти;

юридик шахснинг Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси маълумотлари;

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган юридик шахснинг молиявий ҳисоботлари нусхалари;

Ўзбекистон Республикасида судланмаганлиги ҳақидаги маълумотлар;

Ўзбекистон Республикасида берилган олий маълумотни тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги иш стажини тасдиқловчи ҳужжат ва иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар;

монополияга қарши органдан олган розилигини тасдиқловчи маълумотлари, агар рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бундай розиликни олиш талаб этилса.

Ушбу Низом ва унинг иловаларини тўлдириш ҳамда тақдим этишда мазкур бандда назарда тутилган маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

2-боб. Микромолия ташкилоти ҳамда ломбард фаолиятига доир талаблар ва шартлар

5. Микромолия ташкилотининг фаолияти у ҳақидаги маълумотларни микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар реестрига киритиш воситасида ҳисоб рўйхатидан ўтказилганидан кейин, ломбард фаолияти эса ломбард фаолиятини бошлаганлик тўғрисидаги хабарнома қабул қилинганлиги Марказий банк томонидан тасдиқланганидан кейин амалга оширилади.

6. Микромолия ташкилоти ва ломбарднинг фирма номида унинг ташкилий-ҳуқуқий шаклига кўрсатма, шунингдек ташкилотнинг турига қараб “микромолия ташкилоти” ёки “ломбард” деган сўз ёки сўз бирикмаси, микромолия ташкилотининг қискартирилган номида эса (мавжуд бўлганда) “ММТ” деган қисқартма сўз бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида илгари ташкил этилган ёки ташкил этилаётган банкларнинг ёхуд нобанк кредит ташкилотларининг фирма номлари билан чалкаштириб юбориш даражасида ўхшаш бўлган фирма номларидан фойдаланиш тақиқланади, бундан микромолия ташкилотлари ва ломбардлар уларни ташкил этган банкларнинг фирма номларидан фойдаланиши мустасно.

7. Устав фондининг (устав капиталининг) энг кам миқдори:

микромолия ташкилоти учун – икки миллиард сўмни;

ломбард учун – беш юз миллион сўмни ташкил этади.

8. Микромолия ташкилоти ва ломбард устав фондининг (устав капиталининг) энг кам миқдори ҳисоб рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ариза берилган ёки ломбард фаолиятини бошлаганлик тўғрисидаги хабарнома юборилган кунга қадар иштирокчиларнинг (акциядорларнинг) пул маблағларидан Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида шакллантирилади. Бунда, мазкур маблағлар микромолия ташкилоти ҳисоб рўйхатидан ўтказилгунига қадар ёки ломбард фаолиятини бошлаганлик тўғрисидаги хабарнома юборилгунига қадар банк ҳисобварағида сақланиши лозим.

9. Микромолия ташкилоти ва ломбард устав фондини (устав капиталини) шакллантириш учун кредитга, гаровга олинган маблағлардан ва мажбуриятлар юклатилган бошқа маблағлардан, шунингдек жиноий фаолиятдан олинган маблағлардан фойдаланиш тақиқланади.

10. Куйидаги шахслар микромолия ташкилоти ва ломбарднинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларга бевосита ёки билвосита эгалик қилиши мумкин эмас:

имтиёзли солиқ режимини тақдим этувчи ва (ёки) бенефициар мулкдорнинг шахсини ошкор этишни ҳамда молиявий операциялар тўғрисидаги ахборотни тақдим этишни назарда тутмайдиган давлат ёки ҳудуд резиденти бўлган ва (ёки) ушбу давлатда ёки ҳудудда яшайдиган жисмоний шахслар;

имтиёзли солиқ режимини тақдим этувчи ва (ёки) бенефициар мулкдорнинг шахсини ошкор этишни ҳамда молиявий операциялар тўғрисидаги ахборотни тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатда ёки ҳудудда рўйхатга олинган юридик шахслар ёки ушбу давлат ёки ҳудуд резиденти бўлган, унда яшайдиган ёки рўйхатдан ўтган бошқарув органи аъзоси мавжуд бўлган юридик шахслар;

ушбу Низомнинг 12-бандида кўрсатилган ишчанлик обрўсига доир талабларга жавоб бермайдиган жисмоний шахслар;

бошқарув органлари аъзоси мазкур Низомнинг 12-бандида кўрсатилган ишчанлик обрўсига доир талабларга жавоб бермайдиган юридик шахслар;

тўловга қобилиятсиз деб эътироф этилган шахслар;

сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, диний ташкилотлар;

давлат органлари, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолиятни амалга оширувчи бошқа нобанк кредит ташкилотлари.

Мазкур банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган давлатлар ва ҳудудлар Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2467, 2013 йил 12 июнь) асосида аниқланади.

11. Микромолия ташкилоти ва ломбарднинг куйидаги раҳбар ходимлари (бундан буён матнда раҳбар ходимлар деб юритилади) мазкур Низомнинг 12-бандида келтирилган ишчанлик обрўсига доир талабларга мувофиқ бўлиши керак:

кузатув кенгаши аъзолари (агар мавжуд бўлса);

ижро этувчи орган аъзолари ёки яккабошчилик асосидаги ижро этувчи орган вазифасини амалга оширувчи шахс;

бош бухгалтер ёки бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқарув вазифаларини амалга оширувчи бошқа мансабдор шахс;

филиал раҳбари.

12. Ишчанлик обрўсига доир талабларга қуйидагилар киради:

иқтисодий соҳадаги жиноятлар, бошқарув тартибига қарши жиноятлар ҳамда терроризмни молиялаштириш ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ жиноятлар учун тугалланмаган ёки олиб ташланмаган судланганлик ҳолатларининг мавжуд эмаслиги;

молия (кредит) ташкилотининг молиявий аҳволи ёмонлашишига ёки унинг тўловга қобилиятсиз деб эътироф этилишига, лицензияси чақириб олиншига ёки микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар реестридан, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари реестридан ёки ломбардлар реестридан чиқарилишига олиб келган ҳаракатлар содир этишга ва (ёки) ҳаракатсизликка раҳбар ходимнинг алоқадорлиги тўғрисидаги далилларнинг мавжуд

эмаслиги.

13. Микромолия ташкилоти ва ломбарднинг мазкур Низомнинг 11-банди учинчи ва тўртинчи хатбошиларида кўрсатилган раҳбар ходимлари қуйидаги малака талабларига мувофиқ бўлиши лозим:

ижро этувчи орган раҳбари ёки яккабошчилик асосидаги ижро этувчи орган вазифаларини амалга оширувчи шахс – олий иқтисодий маълумотга ёки банк-молия соҳасида икки йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга бўлиши;

бош бухгалтер ёки бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқарув вазифаларини амалга оширувчи бошқа мансабдор шахс – олий маълумотга ёки бухгалтерия ҳисобини юритиш ёки молиявий ҳисоботни тузиш ёхуд аудиторлик фаолияти билан боғлиқ икки йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга бўлиши.

14. Ломбард ўз фаолиятини бошлаганлик тўғрисидаги хабарномани юборгунига қадар касса хоналарининг Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидаларида (рўйхат рақами 1719, 2007 йил 24 сентябрь) белгиланган талабларга мувофиқлигини таъминлаши шарт. Мазкур талабни бажариш ўрнига ломбард ўз фаолиятини комплекс суғурталаш полисини тақдим этишга ҳақли.

15. Мазкур бобда микромолия ташкилотларига нисбатан белгиланган талаблар микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи тўлов ташкилотларига ҳам татбиқ этилади, бундан қуйидагилар мустасно:

мазкур Низомнинг 6-банди биринчи хатбошида белгиланган фирма номига нисбатан талаблар;

раҳбар ходимларга нисбатан белгиланган малака талаблари. Бунда, микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи тўлов ташкилотининг ижро этувчи органи аъзоларидан бири мазкур Низомнинг 13-банди иккинчи хатбошида белгиланган талабга мувофиқ бўлиши керак.

3-боб. Микромолия ташкилотини ҳисоб рўйхатидан ўтказиш ҳамда фаолиятини тугатиш тартиби

16. Ҳисоб рўйхатидан ўтказиш учун микромолия ташкилоти у давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин уч ойдан кечиктирмай Марказий банкка электрон платформа орқали қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

1) мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклдаги ариза;

2) микромолия ташкилотининг иштирокчилари (акциядорлари) мазкур Низомнинг 10-бандида кўрсатилган шахслар эмаслигини тасдиқловчи қуйидаги (тегишлилиги бўйича):

жисмоний шахснинг мазкур Низомнинг 2а-иловасига мувофиқ шаклдаги маълумотлари;

жисмоний шахс доимий яшаш жойига эга бўлган барча давлатларнинг (Ўзбекистон Республикасидан ташқари) масъул органлари томонидан сўнги 90 кун ичида берилган судланмаганлик тўғрисидаги маълумотнома;

юридик шахснинг мазкур Низомнинг 2б-иловасига мувофиқ шаклдаги маълумотлар;

юридик шахс бошқарув органи аъзоларининг мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклдаги маълумотлар. Бунда мазкур Низом мақсадлари учун юридик шахснинг бошқарув органи аъзолари деганда унинг кузатув кенгаши аъзолари ва ижро этувчи органи аъзолари ёки яккабошчилик

асосидаги ижро этувчи орган вазифасини амалга оширувчи шахси тушунилади;

юридик шахсининг бошқарув органи аъзолари доимий яшаш жойига эга бўлган барча давлатларнинг (Ўзбекистон Республикасидан ташқари) масъул органлари томонидан сўнги 90 кун ичида берилган судланмаганлик тўғрисидаги маълумотнома;

3) микромолия ташкилотининг устав фондини (устав капиталини) шакллантириш учун киритилган маблағларнинг манбалари тўғрисида ҳужжатлар билан тасдиқланган мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклдаги ахбороти;

4) микромолия ташкилотининг раҳбар ходимлари белгиланган ишчанлик обрўсига доир талаблар ва малака талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи қуйидаги:

мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклдаги маълумотлар;

мазкур банднинг 2-кичик банди учинчи хатбошисида кўрсатилган ҳужжат;

тегишли олий маълумотга ёхуд етарли иш тажрибасига эга эканлигини тасдиқловчи ҳужжат, бундан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олинган олий маълумот ва иш стажини тасдиқловчи ҳужжатлар мустасно.

17. Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари (бундан буён матнда норезидентлар деб юритилади) микромолия ташкилотини ташкил этганда ёки унинг устав фондида (устав капиталида) иштирок этганда, мазкур Низомнинг 16-бандида кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча равишда қуйидагилар тақдим этилади:

1) жисмоний шахслар томонидан охириги икки йил учун даромадлар ҳақидаги декларация;

2) юридик шахслар томонидан:

юридик шахсни назорат қилиш органининг микромолия ташкилотини ташкил этиш учун ёки унинг устав фондида (устав капиталида) иштирок этиш учун рухсатнома берилганлиги тўғрисидаги ёзма тасдиғи ёхуд шундай рухсатнома талаб этилмаслиги ҳақидаги тасдиқнома ёки унинг фаолияти устидан назоратни амалга оширувчи орган мавжуд эмаслиги тўғрисида юридик шахсининг тасдиқномаси;

аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган охириги ҳисобот йили учун молиявий ҳисоботлар.

18. Марказий банк ҳисоб рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларни, агар улар мазкур Низомнинг 16 ва 17-бандларига мувофиқ тақдим этилган бўлса, ҳужжатлар олинган кундан эътиборан ўн беш иш кун ичида кўриб чиқади ва ҳисоб рўйхатидан ўтказиш ёки ҳисоб рўйхатидан ўтказишни асослантирилган ҳолда рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Микромолия ташкилоти норезидентлар томонидан ташкил этилган ҳолларда ушбу муддат ўн иш кунига узайтирилиши мумкин.

19. Ҳисоб рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатлар мазкур Низомнинг 16 ва 17-бандларига мувофиқ тақдим этилмаган тақдирда, Марказий банк ушбу ҳужжатлар олинган кундан эътиборан беш кун ичида микромолия ташкилотига (тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхатини кўрсатган ҳолда) ҳужжатлар кўриб чиқилмаслиги ҳақида хабарнома юборади.

20. Ҳисоб рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш даврида уларда кўрсатилган маълумотлар ўзгарган тақдирда, микромолия ташкилоти бу ҳақда зудлик билан Марказий банкни хабардор қилиши ва янгиланган ҳужжатларни ўзгартиришлар юзага келган пайтдан эътиборан уч иш кун ичида тақдим этиши керак. Бунда, ҳисоб рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган

хужжатларни кўриб чиқиш муддати ўн иш кунига узайтирилади.

21. Микромолия ташкилотига ҳисоб рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги хабарнома ҳисоб рўйхатидан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан бир иш кундан кечиктирмай электрон платформа орқали юборилади.

22. Микромолия ташкилотини ҳисоб рўйхатидан ўтказишни рад этиш Ўзбекистон Республикаси “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 22-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатларда ва тартибда амалга оширилади.

23. Микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи тўлов ташкилотини ҳисоб рўйхатидан ўтказиш мазкур бобда белгиланган тартибда амалга оширилади. Бунда, мазкур Низомнинг 16-бандида ҳисоб рўйхатидан ўтиш учун хужжатларни тақдим этишга белгиланган муддат микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи тўлов ташкилотларига нисбатан татбиқ этилмайди.

24. Микромолия ташкилоти унинг ваколатли бошқарув органи томонидан микромолия ташкилоти фаолиятини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан беш иш кун ичида Марказий банкка электрон платформа орқали мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шаклда микромолия ташкилоти тўғрисидаги маълумотларни микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар реестридан чиқариш тўғрисида ариза тақдим этади.

25. Марказий банк микромолия ташкилоти тўғрисидаги маълумотларни микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар реестридан чиқариш тўғрисидаги ариза олинган кундан эътиборан ўн беш иш кун ичида микромолия ташкилоти тўғрисидаги маълумотларни микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар реестридан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилади.

Марказий банк микромолия ташкилоти тўғрисидаги маълумотларни микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар реестридан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилган кундан эътиборан бир иш кун ичида бу ҳақда ариза тақдим этувчини электрон платформа орқали хабардор қилади.

4-боб. Ломбард фаолиятини бошлаганлик ва тугатганлик тўғрисидаги хабарномаларни юбориш тартиби

26. Ломбард фаолиятини бошлаганлик тўғрисидаги хабарнома ломбард давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин уч ойдан кечиктирмай Марказий банкка электрон платформа орқали мазкур Низомнинг 6-иловасига мувофиқ шаклда юборилади. Хабарномага қуйидагилар илова қилинади:

1) мазкур Низомнинг 16-банди 2-кичик банди иккинчи – олтинчи хатбошиларида кўрсатилган хужжатлар;

2) ломбарднинг устав фондиди (устав капиталини) шакллантириш учун унинг иштирокчилари (акциядорлари) томонидан киритилган маблағларнинг манбалари тўғрисида хужжатлар билан тасдиқланган мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклдаги ахборот;

3) ломбард раҳбар ходимларининг белгиланган ишчанлик обрўсига доир талаблар ва малака талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи мазкур Низомнинг 16-банди 4-кичик банди иккинчи – тўртинчи хатбошиларида кўрсатилган хужжатлар.

Ломбард фаолиятини бошлаганлик тўғрисидаги хабарнома қабул қилинганлиги у келиб тушган

санадан эътиборан ўн иш куни ичида Марказий банк томонидан тасдиқланади ҳамда тасдиқнома ломбардга электрон платформа орқали юборилади.

Ломбард фаолиятини бошлаганлик тўғрисидаги хабарнома, унга илова қилинган ҳужжатлар ва уларда кўрсатилган маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги Қонуни ҳамда мазкур Низом талаблари ва шартларига мувофиқ бўлмаганда, ломбард фаолиятини бошлаганлик тўғрисидаги хабарнома қабул қилинмайди. Бу ҳақда Марказий банк томонидан ломбард фаолиятини бошлаганлик тўғрисидаги хабарнома келиб тушган санадан эътиборан ўн иш куни ичида электрон платформа орқали ломбардга хабар юборилади.

27. Норезидентлар ломбардни ташкил этганда ёки унинг устав фондида (устав капиталида) иштирок этганда, мазкур Низомнинг 26-бандида кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча равишда қуйидагиларни тақдим этади:

юридик шахсни назорат қилиш органининг ломбардни ташкил этиш учун ёки унинг устав фондида (устав капиталида) иштирок этиш учун рухсатнома берилганлиги тўғрисидаги ёзма тасдиғи ёхуд шундай рухсатнома талаб этилмаслиги ҳақидаги тасдиқнома ёки унинг фаолияти устидан назоратни амалга оширувчи орган мавжуд эмаслиги тўғрисида юридик шахснинг тасдиқномаси;

мазкур Низомнинг 17-банди 1 ва 2-кичик бандларида кўрсатилган ҳужжатлар.

28. Ломбард Марказий банкка ломбард фаолиятини бошлаганлик тўғрисидаги хабарномани юборганда, қонунчилик ҳужжатларида ўз фаолиятини амалга ошириш бўйича белгиланган талабларга ва шартларга риоя этиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

29. Ломбард унинг ваколатли бошқарув органи томонидан ломбард фаолиятини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан беш иш куни ичида Марказий банкка электрон платформа орқали мазкур Низомнинг 7-иловасига мувофиқ шаклдаги ломбард фаолиятини тугатганлик тўғрисида хабарномани юборади.

30. Марказий банк ломбардлар реестридан чиқариш тўғрисидаги хабарнома олинган кундан эътиборан ўн беш иш куни ичида ломбардни ломбардлар реестридан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилади.

Марказий банк ломбардни ломбардлар реестридан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилган кундан эътиборан бир иш куни ичида бу ҳақда ломбардни электрон платформа орқали хабардор қилади.

5-боб. Микромолия ташкилоти ва ломбард иштирокчилари (акциядорлари) таркибининг ўзгариши

31. Жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан тегишинча яқин қариндошлари ҳамда уларга алоқадор шахслар билан биргаликда ҳаракат қилувчи жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек норезидентлар бир ёки бир нечта битим натижасида микромолия ташкилоти ёки ломбарднинг устав фондидаги (устав капиталидаги) ўн фоизни ва ундан кўпроқ фоизни ташкил этадиган улушни бевосита ёки билвосита олгунига қадар Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини (бундан буён матнда дастлабки рухсатнома деб юритилади) олиши шарт.

32. Дастлабки рухсатномани олиш учун микромолия ташкилоти ёки ломбарднинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушни олишни ният қилган шахс электрон платформа орқали Марказий банкка қуйидагиларни илова қилган ҳолда мазкур Низомнинг 8-иловасига мувофиқ

шаклдаги аризани тақдим этади:

1) микромолия ташкилоти ёки ломбарднинг иштирокчилари (акциядорлари) таркибига янги иштирокчи (акциядор) кирган тақдирда:

устав фондидаги (устав капиталидаги) улушни олиш учун йўналтирилайдиган маблағларнинг манбалари тўғрисида ҳужжатлар билан тасдиқланган мазкур Низомнинг 4-илоvasида келтирилган шаклга мувофиқ ахборотни;

мазкур Низомнинг тегишинча 16-банди 2-кичик банди иккинчи – олтинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳужжатларни;

мазкур Низомнинг 17-банди 1 ва 2-кичик бандларида кўрсатилган ҳужжатларни, агар микромолия ташкилоти ёки ломбарднинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушни олишни ниёт қилган шахс норезидент бўлса;

2) иштирокчига (акциядорга) тегишли ҳиссанинг миқдори (акциялар сони) кўпайтирилган тақдирда – мазкур банднинг 1-кичик банди биринчи хатбошида кўрсатилган ҳужжатни.

33. Шахс микромолия ташкилоти ёки ломбарднинг устав фондидаги (устав капиталидаги) мазкур Низомнинг 31-бандида кўрсатилган ҳажмдаги улушни ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда (ҳуқуқий ворислик, мерос, ҳада ёки суднинг қарорига асосан мулк ҳуқуқини олиш) олган тақдирда, Марказий банкнинг кейинги рухсатномасини (бундан буён матнда кейинги рухсатнома деб юритилади) олиш талаб этилади.

34. Кейинги рухсатномани олиш учун микромолия ташкилоти ёки ломбарднинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушни ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда олган шахс уни олган кундан эътиборан олти кун ичида Марказий банкка электрон платформа орқали мазкур Низомнинг 9-илоvasига мувофиқ шаклдаги аризани тақдим этади. Аризага мазкур Низомнинг 16-банди 2-кичик банди иккинчи – олтинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳужжатлар илова қилинади.

35. Марказий банк дастлабки ёки кейинги рухсатномани бериш ёхуд дастлабки ёки кейинги рухсатномани беришни асослантирилган ҳолда рад этиш тўғрисидаги қарорни мазкур Низомнинг 32 ва 34-бандларида кўрсатилган ҳужжатлар олинган кундан эътиборан ўн беш иш куни ичида қабул қилади.

36. Дастлабки ёки кейинги рухсатномани беришни рад этиш Ўзбекистон Республикаси “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 15-моддасида назарда тутилган ҳолатларда ва тартибда амалга оширилади.

37. Микромолия ташкилоти ёки ломбард иштирокчилар таркиби ўзгарганидан кейин уставга киритилган ўзгартиш ва (ёки) қўшимчаларни улар қонунчиликка мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан беш иш куни ичида Марказий банкка тақдим этиши шарт.

6-боб. Микромолия ташкилоти ва ломбарднинг филиалларини очиш, ёпиш ҳамда уларнинг номи ва жойлашган ерини ўзгартириш

38. Микромолия ташкилоти ёки ломбарднинг филиали (бундан буён матнда филиал деб юритилади) юридик шахс бўлмаган, ўз фаолиятини микромолия ташкилоти ёки ломбард номидан унинг ваколатли бошқарув органи томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширадиган алоҳида бўлинмаси ҳисобланади.

39. Микромолия ташкилоти ёки ломбард филиал очилган кундан эътиборан ўн иш куни ичида

бу ҳақда Марказий банкка электрон платформа орқали мазкур Низомнинг 10-иловасига мувофиқ шаклдаги хабарномани юборди ва унга қуйидаги ҳужжатларни илова қилади:

ваколатли бошқарув органининг филиални ташкил этиш тўғрисидаги қарори;

филиал ҳақидаги низом;

филиалнинг раҳбари тўғрисидаги мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклдаги маълумотлар.

40. Филиалнинг номи ёки жойлашган ери ўзгарганда, микромолия ташкилоти ёки ломбард тегишли қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кунлик муддат ичида Марказий банкка электрон платформа орқали мазкур Низомнинг 11-иловасига мувофиқ шаклдаги хабарномани юборди.

41. Филиални ёпиш тўғрисида қарор қабул қилинганда, микромолия ташкилоти ёки ломбард тегишли қарор қабул қилинган кундан эътиборан беш кунлик муддат ичида Марказий банкка электрон платформа орқали мазкур Низомнинг 12-иловасига мувофиқ шаклдаги хабарномани юборди.

7-боб. Микромолия ташкилоти ва ломбардларни реестрдан чиқариш

42. Микромолия ташкилоти тўғрисидаги маълумотларни микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар реестридан ёки ломбардни ломбардлар реестридан чиқариш тўғрисидаги қарор Марказий банк томонидан қуйидаги ҳолларда қабул қилинади:

микромолия ташкилоти ёки ломбард томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги Қонунида ҳамда мазкур Низомда тақиқланган ва (ёки) назарда тутилмаган фаолият амалга оширилганда;

микромолия ташкилоти ўзи ҳақидаги маълумотларни микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар реестридан чиқариш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этганда, шунингдек Марказий банк ломбарднинг фаолияти тугатилганлиги ҳақида хабарнома олганда;

Тадбиркорлик субъектлари ягона давлат реестрига микромолия ташкилотининг ёки ломбарднинг фаолияти тугатилганлиги ҳақида ёзув киритилганда;

микромолия ташкилоти ёки ломбард тўловга қобилиятсиз бўлиб қолганда (кредиторларнинг талабларини уларни бажариш муддатлари бошланган кундан эътиборан уч ой ичида қаноатлантиришга қодир эмаслиги ва (ёки) мажбуриятларнинг активлардан ошиб кетганлиги);

Марказий банкнинг назоратга доир вазифаларини бажаришга тўсқинлик қилинганда;

айрим операцияларни амалга ошириш бўйича чекловларнинг амал қилиш даврида микромолия ташкилоти ёки ломбард томонидан ушбу операциялар амалга оширилганда;

микромолия ташкилоти ҳисоб рўйхатидан ўтказиш учун аризада ёки ломбарднинг фаолияти бошланганлиги тўғрисидаги хабарномада сохта ҳужжатлардан фойдаланганда – суд қарорига асосан.

43. Марказий банк қуйидаги ҳолларда микромолия ташкилоти тўғрисидаги маълумотларни микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар реестридан ёки ломбардни ломбардлар реестридан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли:

микромолия ташкилоти ёки ломбард нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисидаги қонунчилик, шунингдек жинойий фаолиятдан олинган даромадларни

легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этмаганда;

микромолия ташкилоти ёки ломбард устав фондининг (устав капиталининг) миқдори мазкур Низомнинг 7-бандида белгиланган миқдордан кам бўлганда;

микромолия ташкилоти ёки ломбард раҳбар ходимлари ишчанлик обрўсига доир талаблар ҳамда малака талабларига мувофиқ бўлмаганда;

микромолия ташкилоти ёки ломбард фаолияти кетма-кет олти ойдан ортиқ вақт давомида амалга оширилмаганда;

ломбард фаолиятини амалга ошириши учун белгиланган талаблар ва шартлар бажарилганлиги тўғрисида ёлғон ёки ишончсиз ахборот берилганда.

44. Микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи тўлов ташкилотидан тўлов ташкилотининг фаолиятни амалга ошириш учун лицензияси чақириб олинганлиги унинг микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар реестридан чиқарилиши учун асос бўлади, бундан унинг микромолия ташкилоти сифатида қайта рўйхатдан ўтиши ҳоллари мустасно.

Тўлов ташкилотининг юқори бошқарув органи томонидан микромолия ташкилоти сифатида фаолиятни амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, мазкур ташкилот:

лицензия чақириб олинган кундан эътиборан ўн кун ичида бу ҳақда Марказий банкни хабардор қилиши;

микромолия ташкилоти сифатида қайта рўйхатдан ўтиши ва Марказий банкка бу ҳақда лицензия чақириб олинган кундан эътиборан қирқ беш кун ичида маълумотлар тақдим этиши шарт. Ушбу маълумотлар тақдим этилунига қадар Ўзбекистон Республикаси “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш тақиқланади.

45. Микромолия ташкилоти ўзи ҳақидаги маълумотларни микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар реестридан ёки ломбард ломбардлар реестридан чиқариш тўғрисида Марказий банкнинг хабарномасини олган санадан эътиборан янги хизматлар кўрсатишга ҳақли эмас.

46. Микромолия ташкилоти ўзи ҳақидаги маълумотларни микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар реестридан ёки ломбард ломбардлар реестридан чиқариш тўғрисида Марказий банк томонидан қарор қабул қилинганидан кейин ўттиз кун ичида ўз фирма номидан “микромолия ташкилоти” ёки “ломбард” деган сўзни ёки сўз бирикмасини, шунингдек “ММТ” деган қисқартирма сўзни (мавжуд бўлганда) чиқариб ташлаши ёхуд фаолиятни тугатиш ёки қайта ташкил этиш натижасида тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт.

8-боб. Яқунловчи қондалар

47. Микромолия ташкилоти ва ломбард фаолияти соҳасидаги рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларига доир низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

48. Мазкур Низом талабларини бузганликда айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Микромолия ташкилоти ва ломбард фаолияти
соҳасидаги рухсат бериш ва хабардор қилиш
тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар реестрига
киритиш воситасида ҳисоб рўйхатидан ўтказиш тўғрисида
АРИЗА**

Қуйидаги реквизитлар билан микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар реестрига киритиш воситасида ҳисоб рўйхатидан ўтказишингиз сўралади:

1. Тўлиқ фирма номи: _____
2. Жойлашган ери (почта манзили): _____
3. Банк ҳисобварағи реквизитлари: _____
4. Аризага илова қилинган ҳужжатлар рўйхати _____ варақда:
 - 1) _____ ;
 - 2) _____ ;
 - 3) _____ ;
 -

Ушбу орқали Марказий банк томонидан ҳисоб рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган барча қўшимча маълумотларнинг тегишли ташкилотлардан олиншига розилик берилади.

Тақдим этилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун муассислар тўлиқ жавобгар ҳисобланади.

“ ____ ” _____ 20 ____ й.

Ваколатли шахснинг Ф.И.О.

(имзо)

Микромолия ташкилоти ва ломбард фаолияти
соҳасидаги рухсат бериш ва хабардор қилиш
тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби
тўғрисидаги низомга
2а-ИЛОВА

**Жисмоний шахслар тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

1-қисм. Умумий маълумотлар

1.1. Ф.И.О. _____

1.2. Агар фамилия, исм ёки ота исмингизни ўзгартирган бўлсангиз,
ўзгартириш вақти ва сабабини, шунингдек аввалги фамилиянгиз
(фамилияларингиз), исмингиз (исмларингиз) ёки ота исмингизни
(ота исмларингизни) кўрсатинг.

Фотосурат
учун жой

Аввалги фамилия, исм ва ота исмингиз	Ўзгартириш вақти	Ўзгартириш сабаби

1.3. Туғилган сана (кун, ой, йил) _____

1.4. Туғилган жой (шаҳар/туман, вилоят, мамлакат) _____

1.5. Фуқаролик (кўп фуқаролик мавжуд бўлса ҳаммасини кўрсатинг) _____

Ушбу фуқаролик қандай олинганлигини кўрсатинг: туғилган жой бўйича, никоҳдан
ўтгандан кейин, бошқа сабабларга кўра – тушунтириш беринг _____

1.6. Шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт, ID-карта): серияси _____ рақами
_____ ким томонидан берилгани _____ берилган санаси _____ (кўп
фуқаролик мавжуд бўлса барча паспортлар ва (ёки) ID-карталар маълумотларини
кўрсатинг)

1.7. Рўйхатдан ўтган жойи (ҳужжатларга мувофиқ яшаш жойи) _____

1.8. Яшаш жойи (амалдаги яшаш жойи) _____

1.9. Телефон рақамлари (уяли, уй) _____

1.10. Хизмат манзили, телефон рақами, электрон почтаси _____

1.11. Маълумоти _____ (олий, тугалланмаган
олий, ўрта махсус, ўрта)

Ўқув муассасаси номи	Жойлашган ери	Йўналиши	Қирган ва тамомлаган йили	Олинган дипломига мувофиқ мутахассислиги
-------------------------	------------------	----------	---------------------------------	---

1.12. Касбий фаолияти (меҳнат фаолиятининг бошланишидан)

Ишга қабул қилинган санаси (ойи, йили)	Ишдан бўшаган санаси (ойи, йили)	Муассаса номи	Жойлашган ери	Эгаллаган/Эгаллаб турган лавозими	Ишдан бўшаш сабаби

1.13. Сизга нисбатан ёки ўн фоизни ва ундан кўпроқ фоизни ташкил этадиган улушга эга бўлган иштирокчи (акциядор) ва (ёки) мансабдор шахс (кузатув кенгаши аъзоси, ижро этувчи орган аъзоси, бош бухгалтер ёки молиявий бошқарувчи, директор в.х.) сифатида Сиз билан алоқадор бўлган юридик шахсга нисбатан қачондир қайсидир давлатда:

- маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун айблов эълон қилинганми, шу жумладан иш тугатилган ёки айблов олиб ташланган ҳолатларда (ҳа/йўк) _____

- интизомий жазо чоралари қўлланилганми (ҳа/йўк) _____

- жиноятлар содир этганлик учун жиноят тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ айблов эълон қилинганми, шу жумладан жиноят иши тугатилган, оқлов ҳукми чиқарилган ва жинойий жавобгарликдан озод қилинган ҳолатларда (ҳа/йўк) _____

Агар “ҳа” жавоби танланган бўлса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган номини кўрсатган ҳолда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг айблови, ҳар қандай давлат органининг айблови ёки қўллаган интизомий жазо чоралари, суд муҳокамаларининг натижалари ва қарорлари (шу жумладан, иш тугатилган, айблов олиб ташланган, суд ҳукми чиқарилган ёки жинойий жавобгарликдан озод қилинган ҳолатларда) ҳақида батафсил маълумот беринг: _____

1.14. Сизда тугалланмаган ёки олиб ташланмаган судланганлик ҳолатлари мавжудми? Агар мавжуд бўлса, тушунтириш беринг: _____

Сизга нисбатан суд томонидан муайян касбий фаолият билан шуғулланишни тақиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинганми? Агар “ҳа” бўлса, тушунтириш беринг: _____

1.15. Ўн фоизни ва ундан кўпроқ фоизни ташкил этадиган улушга эга бўлган иштирокчи (акциядор) ва (ёки) мансабдор шахс (кузатув кенгаши аъзоси, ижро этувчи органи аъзоси, бош бухгалтер ёки молиявий бошқарувчи, директор в.х.) сифатида Сиз билан алоқадор бўлган, мажбурий тартибда тўловга қобилиятсиз деб топилган ёки мажбурий тугатиш жараёнидаги ҳар бир юридик шахсни кўрсатинг: _____

Сиз билан алоқадор бўлган ва тўловга қобилиятсизлик, мажбурий тугатиш ҳолатига қўйилган юридик шахсда Сизнинг ўн фоизни ва ундан кўпроқ фоизни ташкил этадиган улушга эга бўлган иштирокчи (акциядор) ва (ёки) мансабдор шахс сифатидаги ролингиз ва масъул бўлган соҳаларингиз тўғрисида батафсил асослантирилган маълумот беринг: _____

1.16. Сизга нисбатан ёки ўн фоизни ва ундан кўпроқ фоизни ташкил этадиган улушга эга бўлган иштирокчи (акциядор) ва (ёки) мансабдор шахс (кузатув кенгаши аъзоси, ижро

этувчи орган аъзоси, бош бухгалтер ёки молиявий бошқарувчи, директор в.х.) сифатида Сиз билан алоқадор бўлган юридик шахсга нисбатан давлат ёки назорат органлари томонидан тергов ишлари амалга оширилганми? Агар “ха” бўлса, тушунтириш беринг: _____

1.17. Айни вақтда сизга нисбатан суриштирув, дастлабки тергов ёки суд муҳокамаси олиб борилмоқдами? Агар “ха” бўлса, тушунтириш беринг: _____

1.18. Чет давлатнинг ваколатли органи томонидан Сизни нобанк кредит такшилоти иштирокчиси (акциядори) сифатида баҳолаш амалга оширилганми? Агар “ха” бўлса, тегишли орган қарорини (хулосасини) илова қилинг.

1.19. Илгари ваколатли органлар томонидан Сизга нисбатан устав фондида (устав капиталига) эгалик қилишни чекловчи санкциялар қўлланилганми? Агар “ха” бўлса, тушунтириш беринг: _____

1.20. Оилавий ҳолатингиз _____

2-қисм. Молиявий ҳолати

2.1. Қайсидир шахснинг олдида кредит қарздорлиги (бошқа мажбуриятлар) мавжуд бўлса, ҳар бир қарздорлик (мажбурият) бўйича тегишли тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда қуйидаги маълумотларни кўрсатинг:

Кредитор (қарз берувчи)нинг номи	
Кредит (қарз) берилган сана	
Кредит (қарз) суммаси, кредит (қарз) валютасида	
Фоиз ставкаси (йиллик)	
Кредит (қарз) мақсади	
Гаров суммаси ва таърифи	
Сўндириш (тўлов) муддатлари	
Кредит (қарз) бўйича қарздорлик қолдиғи, кредит (қарз) валютасида	
Фоизлар бўйича қарздорлик қолдиғи	
Муддати ўтган қарздорлик (асосий сумма, фоизлар)	

2.2. Тегишли тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда қуйидаги маълумотларни тақдим этинг:

_____ йил “___” _____ ҳолатига актив ва мажбуриятлар бўйича шахсий ҳисобот

Т/р	Номи	Суммаси (резидентлар учун – сўмда, норезидентлар учун – тегишли валютада)
А	АКТИВЛАР	
1	Нақд пуллар	
